ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА САРВИНОЗ МАЖИДОВНА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИ ВА МЕТАФОРИЗАЦИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

УДК: [821.512.133-1:82-394]"19-20".08

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Нуруллаева Сарвиноз Мажидовна
Замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар стилизацияси ва метафоризацияси 3

Нуруллаева Сарвиноз Мажидовна
Стилизация и метафоризация мифологических образов в современной узбекской поэзии 23

Nurullaeva Sarvinoz Majidovna
Stylization and metaphorization of mythological images in modern Uzbek poetry 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 49

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА САРВИНОЗ МАЖИДОВНА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИ ВА МЕТАФОРИЗАЦИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2021.4.PhD/Fil910 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ўраева Дармон Саидаҳмедовна** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мусурмонов Эркин Раббимович** филология фанлари доктори, доцент
	Улуғов Абдулла Ўзбекович филология фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30. 12.2019.FiI.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92; факс: +99366 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2022 йил «____» _____даги ______ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Мухиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.А.Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида янги давр кишисининг ҳанузгача мифологик тушунчаларга эътибор қаратиб, поэтик ижодда уларни замонавий воқеликлар билан боғлаб стилизация ва метафоризация қилиб келаётганининг ижтимоий-психологик, бадиий-эстетик омилларини очишга кўпдан қизиқиш ортиб бормоқда. Бунинг натижасида постфольклор, фольклоризм, халқ оғзаки ижодининг образ ва мотивлари стилизацияси, мифологизация, метафоризация сингари бадиий ижод билан боғлиқ поэтик ҳодисаларнинг моҳияти ойдинлашмоқда ҳамда ёзма адабиётнинг оғзаки ижод билан узвий боғлиқликда ривожланиб келаётганини антропоцентрик нуқтаи назардан асослашда заруратга айланмоқда.

Дунё адабиётшунослигида замонавий адабиётнинг барча ижод турларида мифологик сюжет, мотив, образларнинг бадиий вазифаларидан ижодкорлар умумий поэтик қонуниятлар асосида индивидуал услубий маҳоратини намоён қилиб, адабиётшунослар мифологик тушунчаларнинг образлантирилишига хос ижтимоий-психологик, лингвокультурологик илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўзбек мифологияси ҳам асрлар давомида халқимизнинг ижтимоий-руҳий ҳаётига чуқур сингишиб, бугунги кунда адабиётшунослигимизда халқимиз поэтик дунёқарашининг миф – маросим – фольклор – ёзма адабиёт кўринишидаги тараққиёт жараёнини ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда барча жабҳада берилаётган кенг имкониятлар замонавий ўзбек адабиётида адабий-эстетик анъаналарнинг асосларини янада чуқурроқ тадқиқ қилишга қулай шароит яратилмоқда. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор».[1] Шу нуқтаи назардан беқиёс бойликларимиз бўлган мифологик образлар акс этган оғзаки ва ёзма асарларимизни ўрганиш, замонавий шеъриятда мифологик образларни қўллашнинг ижтимоий-психологик асослари ва кўринишларини, бунда давр воқеликлари, кишилари, янги турмуш предметларининг мифологик образлар воситасида тасвир, талқин этилишига хос поэтик қонуниятларни аниқлаш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини знада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва достончилик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон филология илмида мифологик образлар стилизацияси ва метофаризацияси тилшунослик, фольклоршунослик, адабиётшунослик кесимида кўпроқ ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, рус адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида М.К.Азадовский, П.С.Виходцев, В.Б.Агрба, Л.И.Емельянов, Г.А.Левинтон, У.Б.Далгат, Л.П.Бессонова каби олимларнинг тадқиқотлари аҳамиятли.[2]

Рус олимларидан Д.Зеленин, В.Н.Басилов, Г.П.Снесарев, А.И.Баландин, Е.М.Мелетенский, Д.Д.Фрезер, В.Я.Пропп, Э.Тайлор, С.А.Токарев кабилар мифологик образ ва мотивлар хусусияти, таснифоти, оғзаки адабиёт, тасвирий сюжетдаги ифодаси хусусидаги изланишларида баъзан метафоризация ҳодисасига ҳам эътибор қаратилган.[3]

Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида бу масалага муносабат кўпинча фольклоризмлар ёки модерн шеърият поэтикаси тадқиқига бағишланган ишлар таркибида кузатилади.[4] М.Афзалов,

---

[2] Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М. - Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с.; Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. – Л.: Наука, 1963. – 549 с.; Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. – Тбилиси: Мецниереба 1971. – 158 с.; Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русский фольклор. Т. VII. – М.-Л.: Наука, 1962.– С. 38-43.; Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. – Л.: Наука, 1978. – С. 171-186; Далгат У. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с.; Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы «Страна Муравия») // Филологический вестник. – Майкоп: АГУ, 2004. № 6. – С. 108-115.

[3] Зеленин Д. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М. – Л., 1937. – 77 с.; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.; Снесарев Г.П. Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений. – Советская этнография. – Москва. – 1973. – №1. – С.48-58; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – С.154-155; Баландин А.И. Мифологическая теория и проблемы поэтики // Проблемы фольклора. – М., 1975. – С.125-131; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – Т.: Наука, 1976. – 407 с.; Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. Исследование магии и религии. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1983. – 703 с.; Пропп В.Я. Исторические корни вольшебной сказки. – Л.: изд-во ЛГУ, 1986. – 366 с.; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с.; Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., Политиздат, 1990. – 623 с.

[4] Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари / Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 1970. – Б. 125-143.; Шайхзода М. Навоий ижодида фольклор мотивлари. Асарлар. VI томлик. 4-том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 23-29; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 384 б.; Каримов Н. Ҳамид Олимжон поэзиясида фольклор традициялари / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 340 б.; Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): Автореф. на соиск. канд. фил. наук. – Т.: 1985. – 24 с.; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида

Ҳ.Зарифов, Ғ.Акрамов, К.Имомов, Х.Эгамов, М.Жўраев, Ш.Шомусаров, Т.Л.Раҳмонов, Б.Жуманиязов, Ж.Эшонқулов, О.Қаюмов, М.Нарзиқулова, Д.Тоғаева, Д.Файзиева, Ш.Махмараимоваларнинг ишларида муайян мифологик образлар, уларнинг бадиий-эстетик вазифалари, келиб чиқиш асослари ўрганилган.[5] Бироқ мифологик образларнинг стилизацияси ва метафоризацияси асослари, ижтимоий-психологик зарурияти, поэтик талқин хусусиятлари махсус ўрганилмаган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ўзбек адабиётида мифологик образларнинг стилизацияси ва метафоризацияси асослари ва ижтимоий-психологик зарурияти, бадиий-эстетик ўрни, поэтик талқин хусусиятлари яхлит ҳолда тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати муаммолари» мавзусидаги амалий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар стилизацияси ва метафоризациясининг асослари, кўринишлари, анъанавийлиги ҳамда ҳозирги тараққиёт белгилари, восита ва усулларини аниқлашдан иборат.

фольклоризм: Филол. фан. док-ри... дисс. – Т.: 1994. – 256 б.; Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – № 6. – Б.20-26; Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1997. – 24 б.; Шарипова Л. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти бадиий тараққиётида фольклор: Филол. фан. док-ри. (DSc) дисс. – Т., 2019. – 226 б.; Холиқова Д.А. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор анъаналари ва бадиий маҳорат: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2011. – 25 б.; Ҳамдамова С.Х. Фольклор анъаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: 2012. – 147 б.; Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиш тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида): Фалсафа фанлари бўйича филол. фан. доктори (PhD) ... дисс. автореф – Т., 2018. – 54 б.; Холова М.А. Ўзбек модерн шеърияти поэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд, 2018. – 135 б.; Турдиев А.А. Ўзбек шеъриятида фольклор анъаналари ва синкретик ҳолат (Тўра Сулаймон ижоди мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2020. – 53 б.

[5] Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.:Фан, 1964. – 68 б.; Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговор от образининг қадимий асосларига доир // Пўлкан шоир. – Т., 1976. – Б.65-88; Акрамов Ғ. Тотемистик мифлар. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1978. – №3. – Б.39-42; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 252 б.; Эгамов Х. Совет шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 289 б.; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 б.; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.; Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фан. номз.... дисс. – Т., 1997. – 159 б.; Жуманиязов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 1996. – 21 б.; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 1996. – 28 б.; Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 1999. – 25 б.; Тоғаева Д. Инс-жинслар ҳақидаги ўзбек оғзаки ҳикояларининг образлар системаси. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2006. – №6. – Б.44-47; Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 2004. – 22 б.; Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фанлари бўйича PhD дисс. – Қарши, 2018. – 151 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётда метафоризация ва стилизация ҳодисаларининг поэтик моҳиятини очиб бериш орқали мифологик тафаккурнинг бадиий-эстетик тафаккурга кўчганлигини исботлаш;

ўзбек адабиётида мифологик образлар стилизацияси ва метафоризациясининг тараққиёт хусусиятларини ўрганиш орқали унинг анъанавийлигини асослаш;

замонавий ўзбек шеъриятда мифологик образларни қўллашнинг ижтимоий-психологик асослари ва кўринишларини очиб бериш;

давр воқеликлари ва давр кишиларининг, янги турмуш предметларининг мифологик образлар воситасида берилишини, бунда унинг антропоморфик, зооморфик, қуш кўринишидаги образ типларидан фойдаланишда замонавий шоирларнинг индивидуал маҳоратини очиб бериш;

замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар тасвири ва талқинига хос лингвопоэтик хусусиятлар, бадиий-услубий имкониятларни далиллаш.

Тадқиқотнинг объектини Миртемир, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Миртемир, Тўра Сулаймон, Муҳаммад Юсуф, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Аҳмедова, Эшқобил Шукур, Жамол Камол, Улуғбек Ҳамдам, Фахриёр каби ҳозирги давр шоирларининг шеърлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини замонавий ўзбек шеъриятидаги мифологик образлар тизими, поэтик тасвири ва талқини билан боғлиқ метафоризациялаш, стилизациялаш жараёнлари, усул ҳамда воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, структурал-анализ ҳамда психоаналитик тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабиётда метафоризация, стилизация, мифологизация ҳодисаларининг бадиий матндаги нутқий-ҳиссий моҳияти, бадиий кўчим янгиланишини таъминлашдаги эстетик вазифаси ва аҳамияти дистрибутив асосланган;

замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар тасвири ва талқинига хос кўчим, нутқий экспрессивлик каби лингвопоэтик хусусиятлар, образ яратишдаги тасвирийлик, эмоционаллик, ҳаққонийлик каби бадиий-услубий имкониятлар очиб берилган;

замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образларни қўллашнинг этник, диний, тарихий-традицион, коммуникатив ижтимоий-психологик асослари, тараққиёт хусусиятлари асосида давр воқеликлари, давр кишиларининг, янги турмуш предметларининг мифологик образлар воситасида берилиши аниқланган;

мифологик тафаккурнинг когнитив, нутқий, стилизацион омиллар туфайли бадиий-эстетик тафаккурга кўчганлиги мумтоз, жадид, ҳозирги адабиётда қўлланиб келаётган мифологик образлар метафоризацияси ва стилизацияси орқали далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метафоризация ва стилизация тушунчаларининг адабий-назарий, лисоний, поэтик тавсифларини тартиблаш, уларга хос бадиий-эстетик вазифаларни кўрсатиб бериш, мифологик образларни ифодалашдаги бадиий-функционал қирраларни очиш адабиётшунослик фанларидан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

мифологик образлар метафоризация ва стилизация асосида янгича тушунчаларни очиши, лирик талқин хусусиятлари, структуравий, функционал, лексик-семантик, стилистик, поэтик жиҳатларининг назарий жиҳатдан ёритилиши ҳозирги ёш авлоднинг илмий дунёқараши ҳамда поэтик тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши далилланган;

мифологик тафаккурнинг бадиий-эстетик тафаккурга кўчганлиги мумтоз, жадид, ҳозирги адабиётда анъанавий тарзда қўлланиб келаётган мифологик образлар метафоризацияси ва стилизацияси орқали очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, структурал-анализ, психоаналитик каби усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалардан ўзбек оғзаки ва ёзма адабиёти поэтикаси, образлар тизими ҳақидаги илмий тасаввурларни чуқурлаштириш ва бир тизимга солиш, бадиий ижодда метафоризация ва стилизация ҳодисаларининг поэтик қирраларини жаҳон адабиётшунослигининг янгича концептуал назарий қарашлари асосида таснифлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ҳамда таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга адабий-назарий маълумотлар беришда, ўзбек фольклори ва адабиётини қиёсий ўргатишда, уларнинг ўзаро ворисийлик асосида ривожланиб келганини асослашда, шунга алоқадор дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, мифологик образларнинг изоҳли луғатини тузишда фойдаланиш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образларнинг стилизация ва метафоризация қилини–шини ёритиш жараёнида эришилган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

адабиётда метафоризация, стилизация, мифологизация ҳодисаларининг бадиий матндаги нутқий-ҳиссий моҳияти, бадиий кўчим янгиланишини таъминлашдаги эстетик вазифаси ва аҳамияти дистрибутив асосланган илмий хулосалардан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг қорақалпоқ шеъриятига хос жанрий, тимсолий жиҳатлар ўзбек шеъриятидаги ушбу масалалар билан қиёсий

тадқиқ этилган қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 февраль 26/01-сон маълумотномаси). Натижада замонавий шеъриятда мифологик образларнинг рамзий-тимсолий талқини орқали ижтимоий-психологик хусусиятлар ифодалангани аниқланган;

мифологик тафаккурнинг когнитив, нутқий, стилизацион омиллар туфайли бадиий-эстетик тафаккурга кўчганлиги мумтоз, жадид, ҳозирги адабиётда қўлланиб келаётган мифологик образлар метафоризацияси ва стилизацияси орқали далилланган назарий хулосалардан ФА-Ф1-ОО5 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг оғзаки ва ёзма адабиётда мифологик образлар тасвири ва талқинига хос бадиий-услубий имкониятларни ўрганишга доир қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 8 февраль 26/01-сон маълумотномаси). Натижада замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар тасвири ва талқинидаги бадиий-тадрижий жараёнга оид хулосалар чиқариш имконини берган;

замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар тасвири ва талқинига хос кўчим, нутқий экспрессивлик каби лингвопоэтик хусусиятлар, образ яратишдаги тасвирийлик, эмоционаллик, ҳаққонийлик каби бадиий-услубий имкониятлар очиб берилган илмий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Адабий муҳит», «Шеърият гулшани», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 апрелдаги 1/117-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашувига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга, мухлисларнинг замонавий ўзбек шеърияти ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга, маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик билимларини оширишга эришилган.

замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образларни қўллашнинг этник, диний, тарихий-традицион, коммуникатив ижтимоий-психологик асослари, тараққиёт хусусиятлари асосида давр воқеликлари, давр кишиларининг, янги турмуш предметларининг мифологик образлар воситасида берилиши аниқланган фикр ва қарашлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ҳузуридаги «Нилуфар» адабий тўгараги, вилоят умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган адабий тўгараклар машғулотларида, замонавий ўзбек шеърияти намояндалари ижодини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг 2021 йил 6 октябрьдаги 16-сон маълумотномаси). Натижада мазкур тўгараклар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашувига, уларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга, ўқувчиларнинг замонавий ўзбек шеърияти ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 18 та, жумладан, 5 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий

анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналда 4 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 165 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишла––рига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижа––лари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Мифологик образлар стилизацияси ва метафоризациясининг анъанавийлиги»** деб номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Дастлабки фаслда адабиётшуносликда метафоризация ва стилизация ҳодисаларига бағишланган тадқиқотларнинг назарий асослари ёритилган.

Бадиий матн тилининг нутқий экспрессияларни ҳосил қилувчи воситаларидан бири *метафоризация* усулидир. Метафоризация ҳодиса––сининг заминида қиёслаш натижасида эришилган (аниқланган) ўхшатиш идеяси ётади.[6] Масалан, *шайтон одам* бирикмаси, биринчидан, *шайтонга ўхшаган бузғунчи, қув, алдамчи одам* конструкциясининг қисқартирилган ифодаси; иккинчидан, инсон онгининг қиёслаш натижасидир.

Метафоралар номлаш, маълумот бериш, матнни шаклантириш хусусиятларига эга бўлиб, метафоризмлар мнемоник (эслаб қолиш), тушунтириш (илмий-оммабоп адабиётда), жанрни шакллантириш (топишмоқ, мақол, афоризмларда (масалан, Аристотель топишмоқни яхши тузилган метафора деб таърифлаган), эвристик (фалсафа, илмий назария ва гипотезаларни тушунишда), ўйин (сўзлашув нутқида, кўпинча болалар билан), маросим (табрик ва ҳамдардлик билдиришда), кодлаш (яшириш, пардага ўраш), криптографик (бошқалардан ниманидир яшириш мақсадида), ахлоқий (ҳиссий таъсир кўрсатиш), автосуггестив (сўзловчининг ўзи таъсирланиши) каби вазифаларни бажариши билан аҳамиятлидир. Уларнинг ҳар бири ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир.

Тилшуносликнинг ўрганилиш объектларидан ҳисобланган метафора ва метафоризация таржимашунослик, адабиётшунослик, психология, санъат, реклама соҳаларида, айниқса, бадиий адабиётда ҳам муҳим саналади.

[6] Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983. – Б. 23.

Замонавий рус тилшунослигида метафоризация жараёни когнитив ва лингвокультурологик аспектда ўрганилиб, муайян этник гуруҳнинг лингвистик манзарасини шакллантиришда муҳим вазифа бажариши аниқланган.[7] Оддий метафоранинг қанчалик услубий, когнитив, эмоционал хусусиятларга эгалиги ҳақида жаҳон психолингвистикасида Ж.Маратос, рус тилшунослигида Т.Жаплова, А.Баранов ва Ю.Карауловлар, ўзбек тилшунослигида А.Абдуллаевнинг тадқиқотлари мавжуд.[8]

Метафоризация нутқ адресатига таъсир қилишнинг ажойиб воситаси бўлиб, психологияда руҳиятнинг ҳиссий соҳасига ва онгга мурожаат қилиш орқали инсон хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиши билан муҳим саналади. Бадиий адабиётда эса метафорадан ижобий ёки салбий маъно бўёқларини яратишда, сўз ўйини сифатида, киноя яратиш мақсадларида кенг фойдаланилади.

Умуман, метафоризация ёрқин образ яратиш, нутқ қаратилган предметга эмоционал-ҳиссий муносабатни, баҳони ифодалаш мақсадида сўзларни кўчма маъносида қўллашдир. Масалан, ўзбек адбиётида Иккинчи жаҳон уруши, Гитлер ва фашистлар аждар, ялмоғиз, мустамлакачи руслар юҳо, дев, бало, олбости (алвасти), шайтон метафоралари билан ифодаланган.[9]

Бадиий асарда қўлланилган метафора образ яратиш учун тасвирий восита бўлиб хизмат қилади. Метафоризация, одатда, ўзининг бирор харак–терли белги-хусусияти билан ажралиб турувчи предметларнинг исмлари асосида юзага чиқарилади. А.Абдуллаев ўзининг характерли белги-хусусияти билан ажралиб турувчи ва от-метафоралар учун асос бўлувчи сўзлар қаторига *жаннат, дўзах, пари, паризод, фариштa, азроил, ялмоғиз, аждар, жин, дев* каби афсонавий-диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар[10]ни ҳам киритадики, ушбу тасниф бевосита тадқиқот ишимиз билан боғлиқ назарий фикрларни беришимизда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, мифонимлардан тузилган метафоралар предмет номлари бўлса-да, улар предметни эмас, унга хос белгини англатади. Масалан, *аждар* метафоризацияга объект қилиб олинса, унинг афсонавий ҳайвон эканлиги назарда тутилмайди, балки оғзидан ўт пуркаши, бошқа бир ўринда очкўзлиги, ямламай ютиши назарда тутилади, яна бошқа бир ўринда эса ёвузлик рамзи сифатида тасаввур қилинади.

---

[7] http://ekrost.ru/poster/metafora-i-metaforizaciya.html

[8] Maratos J. The power of myth as metaphor // *Group Analysis*. – The Group-Analytic Society (London), 2006. Vol. 39 (1): 87–99. DOI: 10.1177/0533316406062089 http://gaq.sagepub.com; Лакофф Дж. Когнитивная теория метафоры: исходные положения. – https://www.vshm.science/about/quotes/2072/; Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. – https://www.twirpx.com/file/228990/; Жаплова Т.М. Символизация и метафоризация усадебного архетипа в лирике поэтов пушкинской поры // Вестник ОГУ. Приложение Гуманитарние науки. 2005 (2). – С. 84-89; Баранов А. Н., Караулов Ю. Н. Словарь русских политических метафор / Российская акад. наук, Ин-т русского яз. — М.: Помовский и партнеры, 1994. — 330 с.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987. – 88 б.

[9]Шарипова Л.Ф. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти бадиий тараққиётида фольклор: Филол. фан. док-ри. (DSc) дисс. – Т., 2019. – 226 б.; Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиш тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида): Фалсафа фанлари бўйича филол. фан. доктори (PhD) ... дисс. автореф – Т., 2018. – 54 б.

[10] Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983. – Б. 29.

Стилизация ҳодисаси ҳам адабиётда муҳим поэтик моҳият касб этади. Б.Саримсоқов, И.Ёрматовлар[11] тадқиқотларида стилизация ҳодисаси ўрганилган бўлиб, улардан фарқли равишда Л.Шарипова стилизацион фольклоризмларни: 1) жанр стилизацияси; 2) мотив стилизацияси; 3) образ стилизацияси; 4) оҳанг стилизацияси кўринишида тўртга бўлди. Сўнгра у яна образлар стилизациясининг ўзини ҳам тўртга (эпик образлар стилизацияси, рамзий образлар стилизацияси, мифологик образлар стилизацияси, драматик тур жанрлари образлари стилизациясига) бўлиб ўрганишни тавсия этар экан, «образ стилизацияси» услубан фольклорга хос, бироқ ёзма адабиёт бағрида қайта туғилган, стилизациялашган образ эканини таъкидлайди.[12]

Тадқиқотимиз обьекти бўлмиш мифологик образлар стилизацияси замонавий шеъриятда кўпроқ достон, шеър, шеърий эртак жанрларида кузатилади. Ижодкорлар *аждар, дев, ялмоғиз, ажина, алвасти, пари, ҳумо, семурғ, анқо, самандар* каби динга ва мифларга хос бир қатор образларни қўллаш орқали ўз ғоя ва мақсадини ифодалайди. Асосан, уруш, мустабид тузум, қатағон даври, пахта иши, мудҳиш қўпорувчилик ҳаракатларига алоқадор воқеалар ўтмишдаги аянчли кунлар сифатида шеър ва достонларда берилганда, у ёки бу мифологик образлардан уларнинг фожеавий руҳини таъсирли очиб бериш мақсадида фойдаланилгани кузатилади.

Муайян образ бадиий асарда стилизация (тор маънода) ва вариациялашган ҳолатда намоён бўлади. Вариацияда муаллиф бировнинг материалидан фойдаланиб, манбанинг мазмунига ва ғоявий-мавзуий соҳасига атайлаб мурожаат қилади.[13] Масалан, аждар тор маънода бир ёки бир неча бошли, қанотли, оғзидан олов сочадиган мифологик образни ифодалайди. Унинг поэтик вариациялари эса кенг. Жумладан, у шеъриятда уруш, нафс, зарарли тузум, босқинчи, қонхўр ва шафқатсиз киши, атом бомбаси, самолёт, интернет, дарё, дунё, завод ва корхоналар, ишқ, кўз, зулф каби қатор вариацияларда образлантириб келинади.

Умуман олганда, бадиий адабиётда стилизация ҳодисаси оғзаки адабиётга хос бўлган хусусиятларнинг ёзма адабиётга олиб кирилиши усулларидан биридир. Унинг бир кўриниши эса ижодкор томонидан асарда мифологик образларни қайта ижодий қўллаш орқали маълум давр руҳи, халқ қарашлари, ўз эмоцияси ва туйғулари, муносабатини акс эттиришдан иборат.

Бобнинг **иккинчи фасли**да мифологик тафаккурнинг бадиий эстетик тафаккурга кўчиш асослари баён қилинган.

Сўз санъатининг дастлабки намуналари қадим замонларда дунёга келиб, унда инсониятнинг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-ниятлари турли мифологик образлар орқали акс эттирилган. Ибтидоий одамнинг ўзига сирли кўринган табиатни билишга интилиши натижасида дастлабки миф ва афсоналар яратилган бўлиб, уларда мифологик образларнинг илк намуналари ўз аксини топган. Мифларда яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлар

---

[11]Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): Автореф. на соиск. канд. фил. наук. – Т.: 1985. – 24 с.; Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – №4. – Б.37-45.

[12] Шарипова Л. XX асрнинг 70-90-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризм. – Т.: Фан, 2011. – Б. 121.

[13] https://www.litdic.ru/stilizaciya/

мужассамлашган. Шунинг учун кўпгина мифологик образлар эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш фонида гавдаланади.

Мифологик тушунчанинг периферик соҳалари билан боғлиқ манбалар ижтимоий аҳамиятининг устунлиги билан характерланади. Демифологизация жараёни фольклор асарлари тилида аниқ ва равшан тушунтириш хусусиятига эга. Демифологизация талқин қилиш методи бўлиб, ушбу атаманинг фанда қўлланилиши немис теологи Р.Бультман[14] номи билан боғлиқ. Демифологизация ўзида имон, софлик ва покликни намоён қилувчи диний ишончларни мифнинг тарихий шаклларидан озод қилишга қаратилган том маънодаги мифологик курашдир. Демак, ўзбек фольклоридаги пари, жин, шайтон, иблис каби образлар ҳам демифологизацияланган образлар бўлиб, исломгача бўлган даврларда мифологик тасаввурлар шаклида яшаган бу мавҳум образларни диний-афсонавий образлар деб талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мифологик образлар инсоннинг идрок фаолияти жараёнида унинг қизиқиши ва билиш эҳтиёжи натижасида ўзи учун мавҳум бўлган ҳодисаларнинг (масалан, касалликнинг) идрокий-тушунчавий умумлаштирилиши сифатида юзага келган. Мифонимлар (масалан, ялмоғиз, аждар, ажина ва ҳоказо) сўз – концепт – образ парадигмасини ҳосил қилади. Жумладан, ажина араб тилидан ўзлашган жин сўзининг кўплик шакли сифатида сўз-мифонимни ифодаласа, концепт сифатида тасқара, зараркунанда тушунчаларини билдириб келади. Айни пайтда у афсонавий образ бўлиб, мифологик образлар тизимида ўз алоҳида турига эгадир.

Кўринадики, мифонимлар тил ва онгда акс этувчи тушунчалардир. Улар ҳиссиёт ва тафаккур фаолиятининг маҳсули экани англашилади. Ўзини ўраб турган ташқи оламни ва унда юз берувчи ҳодисалар сабабини билишга қизиққан ибтидоий одам уни хаёл орқали образли тасаввур қилган. Натижада ҳиссий образлар сифатида мифологик образлар пайдо бўлган.

Агар мифонимлар «Гештальт тамойиллари» билан кўриб чиқилса, бир-бирига яқинлиги кузатилади. Биринчидан, уларнинг барчаси ўзга олам тушунчаси билан боғлиқ ҳолда идрок этилиши (уларнинг яқинлик тамойили)га асосланишини намоён этади. Иккинчидан, бир-бирига монанд белгилари орқали идрок қилиниши (ўхшашлик тамойили)га асосланиши билан боғлиқ. Мифологик образларнинг барчасида умумий белгилар бор:

– бахт белгиси (семурғ, ҳумо, Хизр);
– қарилик белгиси (алвасти, ажина, ялмоғиз, аямажуз);
– ёниш белгиси (самандар, қақнус, дўзах);
– зиён белгиси (дев, жин, ғул, ажина, алвасти);
– олов белгиси (шайтон, иблис, жин);
– қувлик белгиси (ялмоғиз, шайтон);
– ямламай ютиш (аждар, ялмоғиз);
– гўзаллик белгиси (малак, фаришта, пари, жаннат).

Кейин уларнинг ҳар бирига хос алоҳида белгилар ажратилади.

[14] https://iphlib.ru/library/collection/newphilenc/document/HASHfa8b46a5682879891d14fa

Хулоса қилиб айтганда, мифонимлар ўртасида яхлитлик ва бўлак муносабатлари мужассам. Бунда бўлакларнинг яхлитликка тобе бўлиши «мифонимлар тўри»ни ҳосил қилади.

Бобнинг **учинчи фаслида** мифологик образлар стилизацияси ва метафоризациясининг тараққиёт хусусиятлари мумтоз, жадид ва замонавий шеъриятдан келтирилган мисоллар асосида ёритиб берилган.

Ўзбек адабиётида мифологик образлар фольклордан ёзма адабиётга ўзлаштирилар экан, ўзига хос тараққиёт хусусиятларини намоён қилади. Баъзи мифологик образлар стилизацияси, метафоризациясида давр, услуб, жанр талаби таъсирида ўзига хос белги-хусусиятнинг ифодаланишида фарқли ва муштарак жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, мумтоз шеъриятда аждар кўпинча ишқ, ғам, гўзаллик, соч рамзи сифатида талқин қилинган бўлса, замонавий шеъриятда, асосан, ёвузлик рамзига айланган. Чунончи, Алишер Навоий қаламига мансуб «Эй қадинг сарви равон...» деб бошланувчи ғазалнинг қуйидаги мисраларида ишқ махзан (хазина)га, ғам эса аждаҳога ўхшатилган:

Ишқ нақди доғи ғам кирмиш Навоий, кўнглига,
Ваҳки, бир дам аждаҳодин холий эрмас махзаним.[15]

Шоир кўнглини ишқ, шунинг баробарида васл ғами, дарди эгаллаганини айтади. Аждаҳо махзанни ҳеч тарк этмагани каби шоирнинг кўнгли ҳам ишқ ва ғамдан бир лаҳза холи бўлмаганидан ёзғиради.

Диссертациянинг **«Замонавий ўзбек шеъриятида мифологик образлар тасвири ва талқинига хос лингвопоэтик хусусиятлар»** номли иккинчи боби уч фаслдан иборат.

Мифологик образлар ташқи кўринишига қараб инсон қиёфасидаги (анторопоморф), ҳайвон тузилишидаги (зооморф), қуш шаклидаги, махлуқ кўринишидаги (демономорф) мифологик образлар каби турларга бўлинади.

Антропоморф мифологик образларнинг рамзий-тимсолий талқинлари ҳақидаги **дастлабки фаслда** пари, ялмоғиз кампир, алвасти, ажина, ёсуман, аямажуз, Хизр каби инсон қиёфасида тасаввур қилинадиган мифологик ва диний-афсонавий образларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ўз аксини топган.

Рауф Парфи алвасти, инс образларидан фойдаланиш орқали халқнинг заҳматларини, маънавий меросини, ижодкорларини топтаган одамлардан нафратланишини, ирганишини ифодалаган:

Тилсиз мозоротда ғимирлар оқшом.
Ялангоч ёбонда бир инс кўринди.
Сариқ алвастилар бўлди намоён,
Сен-да чибин каби чирпандинг.[16]

Бадиий ижодда, кўпинча, жин ва ажина образларининг базм қилиш мотиви стилизация қилинади. О.Ҳожиеванинг «Нажот» достонидан олинган қуйидаги сатрларда халқнинг, авлиёларнинг омонати бўлган диний

---

[15] Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. (Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Учинчи том). – Т.: Фан, 1988. – Б. 326.

[16] Парфи Р. Сўнгги видо. Шеърлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.135.

китобларга хиёнат қилиб, уларни ёққан, кейинчалик вафот этганида уч кунгача қабр ҳам қабул қилмаган Тўлов раис образининг гуноҳга ботгани унинг ҳовлисида тунда ажиналар базм қилиши, ортидан инсу жинслар қувиб юриши каби мотивлар орқали кўрсатилган: «*Ажиналар базм қурармиш, Қилар эмиш тонггача ўйин»*.[17]

Инсон кўринишидаги мифологик образлар қаторида турувчи ялмоғиз кўпинча ёзма шеъриятда нафрат туйғусини ифодалаш учун қўлланади. Замонавий ўзбек шеъриятида бу образнинг учиш, сеҳрлаш, ямламай ютиш, очкўзлик каби хусусиятларидан фойдаланиб, уруш, ғам, талофат, нафс, ўлим, даҳшатли техника, баъзан мўъжиза каби тушунчалар рамзий очиб берилади. Ўзбек замонавий шеъриятининг айрим намуналарида ялмоғиз образининг ижобий семасидан фойдаланиб яратилган поэтик ифодаларга ҳам дуч келиш мумкин. Жумладан, Н.Жўраевнинг «Зарра» шеърида илмнинг қудрати ялмоғизнинг сеҳрлай олиш кучига ўхшатилгани кўзга ташланади:

Ялмоғиз сеҳрига ўхшайди илм –
«Суф» деса одаммиз, «куф» деса робот.
Бизни шу жодулар этгандир таслим,
Хоҳласа ҳаётмиз, хоҳласа нобуд».[18]

Ҳ.Аҳмедова:

«Узоқларга бош олиб кетган
Йўл изини ювади туман.
Майсаларга оғу тутади,
Совуқ шамол – кекса ёсуман...»[19] – деб ёзади.

Баҳор ўтиб, куз келганда майсаларнинг совуқдан сўлишини, яшил ўсимликларнинг сарғайиб хазон бўлишини кекса жодугарнинг шумлиги оқибатига йўяди: совуқ шамолни қари ялмоғиз – ёсуманга ўхшатади. Ёсуман бу ўринда Аямажуз тимсолини ёдга солади. Чунки Аямажуз (арабча «айём» – кунлар, «ажуз» – кампир)[20] – қишда тўқсон ўғлининг кунларни совутишидан қониқмай, қаҳрлангани учун баҳорнинг илк кунларида, айни дарахтлар гулга кираётганда изғирин келтирадиган мифологик образ. Лекин шоира куз тасвирини бергани учун ёсуман образининг ёвузлик қилиш, заҳар тайёрлаб, рақибини ёки ўлжасини заҳарлаш каби шум ишлар қилиш белгисига таянади ва совуқ шамолнинг кўк майсаларни нобуд қилиб, уларни қуритиб юбориши ёхуд яшил ўсимликларнинг совуқ олиши қари ёсуман кампирнинг рақибини ҳалок этишига ўхшатилади. Шеър таҳлилида кекса шамол ёш майсани ҳалок қилганини инобатга олсак, шоир халқнинг кекса аёл қиёфасидаги ялмоғиз болалар ва ёш йигит-қизларни таъқиб қилиши ҳақидаги мифологик қарашларидан йироқлашмаганига шоҳид бўламиз. Демак, замонавий шоирлар ижодида кўриниши, вазифаси жиҳатидан яқин бўлган мифологик образларнинг белгилари ўзаро қўшиб, синтезлаштириб стилизация қилинган ҳолатлар ҳам учрайди. «*Қуёшни уйига кузатар туман, Тераклар пойига чўкиб борар нур. Куз – бизни айирган сариқ ёсуман, Боғ четида кузни қарғайди*

[17] Ҳожиева О. Шом шуълалари. Сайланма (Шеърлар, достонлар, қасидалар). – Т.: Шарқ, 2010. – Б. 351.
[18] Жўраев Н. Энг қудратли зарра. – Т.: Адиб, 2012. – Б. 59.
[19] Аҳмедова Ҳ. Умид сояси (Шеърлар). – Т.: Ниҳол, 2008. – Б.35.
[20] https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/ayamajuz-uz

ғурур»,[21] *«Баҳорга қайтади кўнгил ҳам, дард ҳам, булоқлар кўзида тинади осмон. Умид оғриқларга босади малҳам, Боғларга гул бўлиб қайтар Ёсуман»*[22] мисраларида ҳам ёсуман образи куз фаслининг рамзий тимсоли сифатида талқин қилинади ва ҳатто баҳорга, Аямажузга қарама-қарши қўйилади.

Бобнинг **иккинчи фасли**да ҳайвон қиёфасида тасаввур қилинувчи аждар, самандар ва қуш қиёфасидаги Ҳумо, Семурғ, анқо, қақнус, ҳаққуш каби образлар тасвири ва талқинига доир таҳлиллар ёритиб берилган.

Энг мураккаб зооморфик афсонавий махлуқ – аждаҳо образи, асосан, ёвузлик тимсоли сифатида замонавий ўзбек шеъриятида уруш, зарарли тузум, техника (замбарак, тўп, атом бомбаси), нафс, манманлик, ғам, бедаво касаллик, ёнғин, талофат, қамоқхона, завод, ўлимга сабаб бўлувчи обьектлар (масалан, дарё) каби салбий семалар билан бирга, маъшуқанинг сочи, зулфи, кўзи, ишқ, йил фасли каби ижобий семаларни ҳам ифодалаб келиши кузатилади. Масалан, Н.Жўраевнинг «Гулхан» шеърида аждаҳо образидан табиат манзарасини чизишда фойдаланилган:

Аждаҳо олов пуркаб ўтгандайин оламга
Ловуллаган гулханга айланиб қолди боғлар
Худди мен эртак айтиб ўтиргандай боламга
Бир кечада олтинга дўнди ҳамма япроқлар[23].

Энг кенг қўлланиладиган қуш кўринишидаги мифологик образлардан бири Ҳумодир. Ҳумо эзгулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи бўлиб, халқнинг ишонч-эътиқодига кўра, агар у кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, ўша киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб қаралади. Замонавий шоирлар ижодида Ҳумо қуши тимсолидан кўпинча ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ҳақиқий бахтга эришган ўзбек эли ва ери тимсолини ифодалаш, тавсифлаш ва тасвирлаш, мадҳ этиш учун кенг қўлланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Тўра Сулаймон ёзганидек:

Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Ўзбекистон айланиб,
Туғросига қўнмиш Ҳумо мустаҳкам Қўрғон айланиб,
Чор атрофга зоғ йўлатмас Семурғ довон айланиб.[24]

Мифологик қуш образларидан бири Анқо бўлиб, у Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи.[25] Шеъриятда “топилмас, нодир, ягона, ноёб” маънолари анқо образи воситасида очиб берилади. Масалан:

Изласак – анқо не, анқо топилар...
«Одам топилмайди, дунё топилар».[26]

Бобнинг **учинчи фасли** демонологик образлар тасвири, тавсифи ва ёзма ижоддаги талқинларига бағишланган. Замонавий ўзбек шеърияти девларни, асосан, ёвузлик рамзи сифатида стилизация қилади: Б.Отажонова *«Девлар*

---

[21] https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-zamonaviy-sheriyati/bashorat-otajonova-1986/
[22] Фахриёр. Геометрик баҳор (Ўнгарилган тушлар): Шеърлар. – Т.: Маънавият, 2004. – Б. 111.
[23] Жўраев Н. Энг қудратли зарра. – Т.: Адиб, 2012. – Б.44.
[24] Сулаймон Т. Сайҳон (шеърлар, достонлар). – Т.: Шарқ, 2003. – Б.4.
[25] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. I том (Фозилов Э.И. таҳрири остида). – Т.: Фан, 1983. – 656 б.; IV том (Фозилов Э.И. таҳрири остида). – Т.: Фан, 1985. – Б. 104.
[26]http://www.ziyouz.com

ўлди…»[27] дея, собиқ тузум раҳбарларига ишора қилса, Хуршид Даврон *«дев билан юзма-юз келдим...»*[28] деганда, мустамлакачи русларни назарда тутади. Баъзан бир неча мотив аралаштирилиб, ўзига хос мантиқий боғланиш асосида умумлашма хулоса ҳосил қилинади. Айтайлик, Шавкат Раҳмоннинг «Оддий вазифа»[29] замонавий шеърий эртагида дев ухлаб ётган ҳолат, ботирлар куйдирилган учли ходада унинг кўзларини ўймоқчи бўлиши, «борса келмас» йўли Кенжа ботирга қолиши мотивлари келтирилган.

Жамол Камолнинг «Футбол» шеърида ҳам ажойиб поэтик ифодани кузатиш мумкин. Унда дунё футбол майдонига, ҳаёт футбол ўйинига, Инсон ва Шайтон ўзаро рақиб тарафларга ўхшатилган:

Майдондир шу ўзи Куррайи Жаҳон,
Қалтис бир «ўйин»га майдондир мутлақ
Тўхтамай тўп тепар Иблис ва Инсон,
Тўхтамай тўп тепар Ҳақсизлик ва Ҳақ.[30]

Шайтоннинг йўлидан юрганларга нисбатан Иблис, Ҳақ томонда бўлган Одам Атонинг изидан юрганларга нисбатан Инсон сўзи ишлатилган. Шеърда параллелизм асосида чуқур ахлоқий мазмун илгари сурилган.

Умуман олганда, мифологик образлар ташқи кўриниши, инсонга ҳомий ёки зиён етказиши, кўним топиш маконлари билан бир-биридан фарқланади. Масалан, ҳур ва ғилмонлар жаннатда; дев дўзахда, Кўҳи Қофда, чўлларда, тоғ ва тоғ ғорлари, унгурларда; парилар Эрам боғида, сув ҳавзаларида, Кўҳи Қофда; ялмоғиз ўрмонда; аждар кўл бўйларида, ғорларда, жарликларда, хароба шаҳар ва қалъаларда; ажиналар дарахтлар устида, харобазорларда, мозорларда, ташландиқ ва кимсасиз жойларда; жинлар ташландиқ уйлар, вайрон бўлган масжид, қабристонлар, қуриб қолган сув йўллари, бўш ҳовузлар, айниқса, от ва эшакларнинг тезаклари уюлган жойларда; алвастилар катта ариқлар бўйида, дарё ёқасида, ҳовуз ёки қудуқлар олдида; Хизр булоқ, қудуқ ёки ҳовуз бўйида, хирмонда учраши айтилади. Шунингдек, исломий-диний қарашларга кўра, ахлатхона, чиқинди бор жойлар, ҳожатхоналарда ҳам дев ва жинлар макон қурган бўлади. Шу боис халқ орасида намозшомда ахлатхоналар ёнидан ўтмаслик, уйда, ёш болалар бор жойда чиқинди сақламаслик, хонадонда ҳожатхонани доимий ўтириб-турадиган хоналарга яқин қилиб қурмаслик ва унга бош кийимсиз кирмаслик каби тақиқлар ҳозиргача мавжуд.

